

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиши тўғрисида)

2022 йил август ойининг 19 куни, жиноят ишлари бўйича суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Б.Рахимов, судья ёрдамчиси Д.Валиеванинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтохур туман прокурори катта ёрдамчиси М.Бердиқиличева, судланувчи С.Абдуваидов, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячи - “Шайхонтохур адвокатлари” адвокатлар хайъати адвокати У.Якубова иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган

Абдуваидов Сирожиддин Исосмиддин ўғли (Abduvaidov Sirojiddin Isomiddin o'g'li) – 30.10.1997 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, талаба, мукаддам судланмаган, Самарқанд вилояти, Қўшрабат тумани, Пичот ҚФЙ, Навоий кўчаси, 1-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 21.07.2022 йилда олганга

нисбатан 1-1003-2203/549-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд тарафларнинг кўрсатувларини, ишда қатнашаётган прокурор фикрини эшитиб, жиноят иш ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, судланувчи С.Абдуваидов 2022 йил 07 май куни соат тахминан 23:00да, Эргашева Барно Тулкуновна номида бўлган, ишончнома асосида бошқарувида бўлган техник соз ҳолатдаги, давлат рақами белгиси 01 L 528 EB бўлган «МАТИЗ БЕСТ» русумли автомобилни, тегишли ҳужжатлар асосида, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани С.Дарвоза кўчаси бўйлаб, Оқтепа айлана йўли томонидан Кўкча Дарвоза кўчаси томонга 50-60 км/соат тезликда бошқариб бориб, Соҳибкор – тор кўчаси қаршисидаги тартибга солилмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашган вақтида, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 4-банди 1-қисми, 11-банди «г» қисми, 77-банди 1 ва 3-қисмлари, 109-банди, 110-банди талабларини бузиб, яъни «йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларнинг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак», «хайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар қариялар ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шарт», «хайдовчи транспорт воситасининг хусусияти ҳамда ҳолатини, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак», «ҳаракатланиш вақтида хайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак», «тартибга солилмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг хайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб



юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт», «агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштира ёки тўхтаса, қўшни бўлақларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин» деб кўрсатилган қоидаларга риоя қилмасдан ҳаракатланиб, тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойидан ҳаракат йўналиши бўйича ўнгдан чап томонга велосипед бошқариб ўтаётган ҳайдовчи Қодиров Фирдавс Носир ўғлини бошқарувида бўлган “Skillmax” велосипедига нисбатан тўқнашув содир этган.

Тўқнашув натижасида, “Skillmax” велосипеди ҳайдовчиси Ф.Қодиров ва йўловчиси Аралов Оллаёр Шухрат ўғли олган тан жароҳатлари билан Республика шoshiлинч тиббий ёрдам илмий маркази шифохонасига муружаат қилишган.

11.05.2022 йил куни ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг №3192-Х-Хуж сонли хулосасига кўра, Аралов Оллаёр Шухрат ўғлида қуйидаги тан жароҳатлари аниқланган – Ўнг оёқ катта болдир суягини дистал охиридан эпифизиолизи (синиши) суяк бўлақларини қониқарли туриши, бош мия ёпик жароҳати, бош мия чайқалиши, ўнг қулоқ супраси эзилиб – йиртилган яраси, бош ўнг чакка соҳаси юмшоқ тўқималарини лат ейиши. Бу тан жароҳатлари ўтмас қаттиқ жисм таъсирида тиббий ҳужжатларда, қарорда кўрсатилган вақт ва ҳолатда ҳосил бўлган бўлиши мумкин. Бу тан жароҳатлари биргаликда соғлиқни узоқ вақтга яъни, 21 кундан ортиқ бўлган муддатга бузилишига олиб келади ва шу мезонга асосан оғирлик даражаси бўйича ЎРТАЧА ОҒИР тан жароҳатига киради.

12.05.2022 йил куни ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг №3154-Х-Усмон сонли хулосасига кўра, Қодиров Фирдавс Носир ўғлида қуйидаги тан жароҳатлари аниқланган – энса соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши ва тери ости гематомаси, бел соҳасида шилинмаси. Бу тан жароҳатлари ўтмас қаттиқ жисм таъсирида тиббий ҳужжатларда, қарорда кўрсатилган вақт ва ҳолатда ҳосил бўлган бўлиши мумкин. Бу тан жароҳатлари биргаликда соғлиқни қисқа муддатга бузилишига ёки умумий меҳнат қобилиятини озгина қисмининг турғун йўқотилишига олиб келмаган, давомийлиги 6 кундан ортиқ бўлмаган, озгина, тез ўтиб кетувчи оқибатли бўлиб, ушбу мезонга асосан ЕНГИЛ тан жароҳатлари деб баҳоланади.

19.05.2022 йил куни ўтказилган судга оид транспорт - трасологик экспертизасининг №961-сонли хулосаларига кўра, 1,4. Қарорда келтирилган тўқнашувнинг дастлабки вақтида “МАТИЗ БЕСТ” русумли автомашинасининг олди ўнг ён қисмлари, велосипеднинг орқа ғилдирагига теккан дейиш мумкин, лекин етарлича шикастланишлар аниқланмаганлиги сабабли, тўқнашувнинг дастлабки вақтида қандай бурчак остида тўқнашганлигини ва қайси транспорт воситаси ўз ҳаракат йўналишини ўзгартирганлигини аниқлашнинг имконияти йўқ. 2. Тўқнашув вақтида “МАТИЗ БЕСТ” русумли автомашинаси ҳаракатда бўлган бўлиб, велосипедда етарлича из ва шикастланишлар аниқланмаганлиги сабабли ҳаракатда бўлганлигини ёки тўхтаб турганлигини аниқлашнинг имконияти йўқ. 3. Транспорт воситаларининг тўқнашуви ЙТХ рўй берган



жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённомага илова қилинган чизмадаги 4 сони билан келтирилган тормоз изининг тугаган жой атрофида содир этилган.

19.05.2022 йил куни ўтказилган судга оид автотехника экспертизасининг №962-сонли хулосаларига кўра, 1. Ҳисоблаш натижасида “МАТИЗ БЕСТ” русумли автомашинасининг йўлда қолган тормоз изи орқали аниқланган ҳаракат тезлиги 55,8 км/соатдан юқори бўлган.

Судланувчи С.Абдуваидовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган ва жиноят иши айблов хулосаси билан судга тақдим этилган.

Судга судланувчи С.Абдуваидов, жабрланувчилар О.Араловнинг қонуний вакили Н.Кучкарова, жабрланувчи Ф.Қодиров, ва фуқаровий даъвогар Б.Эргашевалар ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи С.Абдуваидов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчилар О.Аралов, Ф.Қодиров ва Б.Эргашеваларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчилар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи О.Араловнинг қонуний вакили Н.Кучкарова ва жабрланувчи Ф.Қодиров судга ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, С.Абдуваидовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида ўз аризасида маълум қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар Б.Эргашева судга ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, С.Абдуваидовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи О.Араловнинг қонуний вакили Н.Кучкарова ва Ф.Қодиров, фуқаровий даъвогар Б.Эргашева ҳамда судланувчи С.Абдуваидовларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Шайхонтохур туман прокурори ёрдамчиси ҳамда ҳимоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини тинглаб, судланувчи С.Абдуваидовни муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги,



жабрланувчи О.Аралов, Ф.Қодиров ва фуқаровий даъвогар Б.Эргашевалар судланувчи С.Абдуваидовга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув тарафларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, С.Абдуваидовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи О.Аралов ва Ф.Қодировга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд тарафидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқни йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 497¹¹, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м к и л а д и,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи **Абдуваидов Сирожиддин Исосмиддин** ўғлига нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг [84-моддаси 4-қисми тартибид](#)а тугатилсин.

С.Абдуваидовга қўлланган эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчилар О.Аралов ва Ф.Қодиров ва фуқаровий даъвогар Б.Эргашевага етказилган зарар қопланганлиги инobatга олинсин.

Жабрланувчилар О.Аралов ва Ф.Қодиров ва фуқаровий даъвогар Б.Эргашевага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилсин.

Биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда ЖПКнинг 497²-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

Ушбу иш бўйича тараф ҳисобланмаган шахслар ҳам суд ажрими устидан, агар ажрим уларнинг манфаатларига дахлдор бўлса, шикоят беришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи судья:

Б.Рахимов



Маъсул судья: Рахимов Бобир Истамович



Ҳужжат имзоланган: Рахимов Бобир Истамович, 19.08.2022

